

**АҚШ КУНДАЛИК ГАЗЕТАЛАРИ: «CHICAGO TRIBUNE» ВА
«CHICAGO SUN TIMES» НАШРЛАРИНИНГ ЧИКАГО МЕДИА
БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ**

Шохиста НИЯЗМЕТОВА

магистр

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

niyazmetovashohista1@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада АҚШ медиасида рақобат муҳитининг газеталарда плюрализмни ривожлантиришга ижобий ва салбий хусусиятлари таҳлил қилинади. Муайян географик бозорда фаолият кўрсатаётган босма оммавий ахборот воситаларининг мулкчилик шакли ўзгариши контентга қандай таъсир кўрсатиши тадқиқ этилиб, шаҳар газеталарининг умуммиллий матбуот таркибидаги ўрни кўриб чиқилади, бу эса мақоланинг долзарблигини белгилайди. Тўпланган маълумотлар типологик омиллар асосида анъанавий таҳлил ва умумлаштириш усуллари ёрдамида таққосланади.

Таянч сўзлар: таҳририят, ишбилармонлик тажрибаси, банкротлик, инвестицион жозибаторлик, онлайн-лойиҳалар, медиа саноат, таблоид, иллюстрация, фотоконтент, биткоин, кўнгилочар янгилик, мустақил позиция, кризис менежмент, монетизация, эксклюзив мазулар.

**ЕЖЕДНЕВНЫЕ ГАЗЕТЫ США: МЕСТО И РОЛЬ ИЗДАНИЙ
«CHICAGO TRIBUNE» И «CHICAGO SUN TIMES» НА МЕДИАРЫНКЕ
ЧИКАГО**

Шохиста НИЯЗМЕТОВА

магистр

Университет журналистики и массовых

коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются положительные и отрицательные особенности развития плюрализма в газетах конкурентной среды в медиум США. Также исследовано влияние изменений в собственности печатных СМИ, работающих на конкретном географическом рынке, на содержание, а также рассмотрена роль городских газет в структуре общенациональной прессы, что определит актуальность статьи. Собранные данные сравниваются при помощи традиционных методов анализа и обобщения на основе типологических факторах.

Ключевые слова: редакция, бизнес-опыт, банкротство, инвестиционная привлекательность, онлайн-проекты, медиаиндустрия, таблоид, иллюстрация, фотоконтент, биткоин, развлекательные новости, независимая позиция, кризисный менеджмент, монетизация, эксклюзивные темы.

XX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожланган АҚШ босма матбуоти XXI асрнинг бошида молиявий қийинчиликларни бошдан кечирди. Агар газеталар аввал аудитория ва реклама берувчилар учун телевидение билан курашган бўлса, эндиликда босма ОАВ учун янги қудратли рақиб – интернет пайдо бўлди. Реклама берувчилар босма нашрларга катта улушда даромад келтирган рубрика-реклама (classifieds advertising) саҳифаларидан интернетдаги крейгслист (Craigslist) – электрон эълонлар сайти каби ихтисослаштирилган веб-ресурсларга ўтиб кета бошлади. Аксарият шаҳарларда газеталар зарар кўришни ва инвестицион жозибадорлигини йўқотишни бошлади. Хусусан, Чикаго газеталари ҳам оғир аҳволда қолди.

Чикаго бозорида мегаполисининг етакчи нашри «Чикаго Трибюн» (Chicago Tribune) ва мавқеига кўра «иккиламчи» газета «Чикаго Сан-Таймс» (Chicago Sun Times) 2000 йилларда жиддий муаммоларга дуч келди.

Газеталар банкротлиги, мулкдорларнинг ўзгариши. «Чикаго Трибюн» газетаси «Трибюн Компани» (Tribune Company) корпорацияси тасарруфига киради. Нашрнинг нотурғун ҳолати 2006 йилда ушбу компаниянинг қимматли қоғозлари қиймати тушиб кетишидан норози бўлган акционерлар компанияни сотувга қўйган [9] вақтда пайдо бўла бошлади. Компанияни 2007 йилда муаммоли активларни бозор нархидан паст маблағга сотиб олиши ва уларнинг молиявий аҳволини яхшилаши билан машҳур бўлган миллиардер Сэм Зелл сотиб олди [4]. Битим қиймати 8,2 миллиард долларни ташкил этди. У 25 та телестанция, 9 та газета, шу жумладан «Чикаго Трибюн», «Лос-Анжелес Таймс», «Балтимор Сан» ва холдинг сайтларига эга бўлди. Бироқ бизнесмен компания муаммоларини ҳал қила олмади ва 2008 йилда кредиторлардан 13 миллиард доллар қарздор бўлиб қолган «Трибюн Компани» банкротликка учрай бошлади. Жараён тўрт йил давом этди. 2013 йилда компания кредиторлар билан қайта ташкил этиш тўғрисида келишишга муваффақ бўлди. 2014 йилда корпорацияни икки қисмга – «Трибюн Пабблишинг» (Tribune Publishing) ва «Трибюн Медиа» (Tribune Media) бўлингани эълон қилинди. «Трибюн Пабблишинг» таркибига барча босма нашрлар, шу жумладан «Чикаго

Трибюн» ва «Лос-Анжелес Таймс» газеталари ҳам кирди.

«Трибюн Медиа» барча телевизион ва радио активларга, шунингдек, онлайн-лойиҳаларга эга бўлди. Корпорация реклама даромади кескин тушиши сабаб молиявий қийинчиликка дуч келган босма нашрлар ҳолига тушмаслик учун телевизион бизнесни молиявий хавфдан шу тарзда химоя қилди.

Қарзлар туфайли «Чикаго Сан-Таймс»га тегишли «Чикаго Сан-Таймс Медиа Груп» ҳам банкротликка учради.

Гуруҳ «Трибюн Компани»дан сўнг бир неча ой ўтиб, 2009 йилда судга расмий илтимоснома киритди. 2011 йилда Майкл Ферронинг «Рэппортс» (Wrapports) компанияси «Чикаго Сан-Таймс Медиа Груп»ни 20 миллион долларга сотиб олди. Флагман нашрлари билан бирга М.Ферро 7 та ҳудудий кундалик ва 32 та ҳафталик газетага эга бўлди.

“Чикаго Сан-Таймс” стратегиясининг ўзгариши. Шуниси эътиборга лойиқки, «Чикаго-Сан Таймс»нинг янги эгаси медиа саноатига бегона шахс эди. Бунгача Ферро юқори технология бизнесига сармоя киритган ва чамаси ишбилармонлик тажрибасини янги соҳада синаб кўришга қарор қилган, яъни, «Чикаго Сан-Таймс»ни янада технологик ва замонавий қилишга ҳаракат қилган. Газеталарни сотиб олиш учун махсус ташкил этилган «Рэппортс» компаниясининг номи «wгар» (тарж. «бурмоқ») сўзидан олинган ва Ферронинг изоҳ беришича, «газетани анъанавий тушунишдан буриш», яъни ундан воз кечиш маъносини англатади [10]. Даставвал у газетада таблоидларга хос бўлган сифатни кучайтиришга қарор қилди. Феррога кўра, унинг мақсади «Чикаго Сан-Таймс»ни Ўрта Гарб «Нью-Йорк Пост»ига (The New York Post) айлантиришдан иборат бўлган. (Медиа магнат Руперт Мердокга тегишли «The New York Post» газетаси АҚШдаги энг баҳсли нашр ҳисобланади. *Таъкид муаллифники*). Ферро газетада кўпроқ машҳурлар, спорт ва бизнес мавзусини ёритишга қарор қилади. Унинг режалари кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлади. Хусусан, газетанинг энг таниқли журналистларидан бири кинотанқидчи Рожер Эберт шундай фикр билдиради: «Газета катта ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳаларни маъкул кўрувчи паст интеллектли ўқувчиларга мўлжалланган

паст сифатли таблоидларга айланмоқда». Эберт бунга сабаб сифатида Ферронинг Руперт Мердок каби «медиабарон» бўлиш истагини кўрсатади [11].

Таъкидлаш лозимки, «Нью-Йорк Пост»нинг (The New York Post) ҳозирги эгаси Руперт Мердок «Чикаго Сан-Таймс»ни 1983 йилдан 1986 йилгача бошқарган, бу давр давомида у газетага таблоиднинг «бульвар» хусусиятларини «сингдирди»: нашрда иллюстрациялар кўпайди, сарлавҳалар янада провакацион бўлди, интим муносабатлар ва жиноятчилик мавзусида публикациялар кўшилди.

Ферро газетага вақт ўтиши билан «оёққа туриш имконини берадиган» инновацияни жорий қилди ва шу тарзда харажатларни камайтиришга ҳаракат қилди. 2013 йилда «Чикаго Сан-Таймс» 28 нафар репортёрдан ташкил топган фото хизматини тарқатиб юборди ва эндиликда фрилансерлар билан ҳамкорлик қилишини маълум қилди [12]. Бундан ташқари, «Чикаго Сан-Таймс» газетаси раҳбарияти томонидан барча ходимларга таҳририятда фотоконтентни мустақил ишлаб чиқишни ўргатиш йўлга қўйилди. ОАВ энди муҳаррирлар нашр учун фотоларни ўзларининг «iPhone» мобил телефонида суратга олишади деб тахмин қилди. Айримлар нашрда тасвирлар сифати ёмонлашгани ва газета шу сабаб асосий рақобатчиларига сезиларли даражада ютқазганини айтди [13].

Ферронинг яна бир юқори технологияли янгиллиги – бу «Чикаго Сан-Таймс»га биткоинлар билан обуна бўлиш имкониятини яратгани бўлди. Ушбу усулни 2014 йилда жорий этиш орқали газета АҚШда ўз хизматларига рақамли валютада тўлашга рухсат берган биринчи йирик даврий нашр бўлди, бироқ тажриба узоқ давом этмади [14].

«Чикаго Сан-Таймс Медиа Груп» компаниясининг янги раҳбарияти гуруҳнинг интернетдаги иштирокини кучайтиришга ҳаракат қилди. 2014 йилда «Сан-Таймс Нэтворк» (The Sun-Times Network) сайти АҚШнинг 70 та шаҳри учун алоҳида дастурлар билан ишга туширилди.

У «Баззфид» (Buzzfeed) каби янгиликлар агрегатор-сайти сифатида

ишлаши ва унда, маҳаллий ресурслардан, қисман «Чикаго Сан-Таймс» газетасидан спорт, сиёсий ва кўнгилочар янгиликлар бериб борилиши маълум қилинди. Бироқ лойиҳа муваффақият келтирмади ва икки йилдан сўнг ёпилди.

«Чикаго Сан-Таймс» ва «Чикаго Трибюн» газеталарининг ўзаро муносабатлари. «Чикаго-Сан Таймс»га Майкл Ферро раҳбарлик қилиши билан таблоид ва унинг рақиб «Чикаго Трибюн» ўртасида яқин алоқалар ўрнатилди бошланди. Газеталар аслида Ферро «Чикаго Сан-Таймс»ни сотиб олишидан бир неча ой аввал ҳамкорликни бошлаган эди. Ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши 2011 йилда «иккинчи» тоифага мансуб газеталарни мустақил чоп этиш ва тарқатишни тўхтатишга мажбур қилди ҳамда ушбу функциялар «Чикаго Трибюн»га ўтказилди. Ўз навбатида, таблоид рақибига бу учун ҳар йили 70 миллион доллар тўлаш мажбуриятини олди.

2014 йилда М.Ферро компаниясида ўзгариш бўлмади ва «бирламчи» газетага ўз бизнесининг катта қисмини ўтказди: компания 40 та газетасидан 38 тасини «Трибюн Пабблишинг» компаниясига сотди. «Чикаго Сан-Таймс»дан ташқари, гуруҳ мулкида фақат битта кундалик газета – «Чикаго Ридер» (Chicago Reader) қолди. Майкл Ферро бу жараён компанияга «Чикаго Сан-Таймс»ни ривожлантириш учун имкон беришини билдирди. «Трибюн» бундай харид орқали ҳудудий бозорда ўз позициясини мустаҳкамлаш, даромад манбаларини диверсификация қилиш ва янги реклама берувчиларни жалб қилиш режалаштирилганини маълум қилди.

Ферро, шунингдек, нашриётда харажатларни камайтириш бўйича қатъий сиёсат олиб борди. 2015 йилда «Трибюн Пабблишинг» компанияси 7000 нафар ходимининг 7 фоизини ишдан бўшатди. «Чикаго Трибюн»да қарийб 30 киши ишидан айрилди [15].

2016 йилда М.Ферронинг «Мэррик Медиа» (Merrick Media) компанияси «Трибюн Пабблишинг»нинг 17% акцияларини 44,4 миллион долларга сотиб олганидан сўнг иккита газета ўртасидаги муносабатлар янада қизиқарли ва чалкаш тус олди.

Ферро «Рэппортс»ни «Чикаго Сан-Таймс»га ишончли бошқарувга топшириб, директорлар кенгашилини тарк этди ва «Трибюн Пабблишинг» директорлар кенгашилини бошқарди. Бу «Чикаго Трибюн» ва «Чикаго Сан-Таймс» бирлашиши ҳақидаги фикрларга шубҳа уйғотди [16]. Бироқ М.Ферро бу миш-мишларни рад этди ва «Чикаго Сан-Таймс» бошқарувида камрок иштирок этишини ҳамда «Чикаго Сан-Таймс» ва «Чикаго Трибюн» – «иккита турлича маҳсулот экани, уларнинг ҳар бири мустақил узок умр кўра олиши»ни таъкидлади [17].

«Чикаго Трибюн» стратегиясининг ўзгариши. «Чикаго Трибюн» газетасида Ферро «Чикаго Сан-Таймс»да амалга оширган ишларини давом эттирди ва нашрни интернетда ривожлантиришга сармоя киритди.

2016 йил апрель ойида 2015 йилни 3 миллион доллар зарар билан яқунлаган «Трибюн Пабблишинг» «Ганнетт» (Gannett) медиахолдингидан таклиф олди. Компания «Трибюн Пабблишинг»ни 815 миллион долларга, шу жумладан ноширнинг 390 миллион долларлик қарздорлик мажбурияти билан кўшиб сотиб олмоқчи бўлди. Таклиф этилган нарх «Трибюн Пабблишинг» қимматли қоғозларининг бозор нархини 63 фоизга оширди. «Ганнетт» холдинги раҳбарияти бирлашиш жараёни орқали иккала компания ҳам «рақамли аср муҳитида» яшаб қолиши осон бўлади деб ҳисоблади [18].

Ферро «Ганнетт» таклифини ўйлаб кўришини айтди. Шу билан бирга, у нашриётдаги ўзгартириш ишларини давом эттирди. Июнь ойида «Трибюн Пабблишинг» номи «tribune online content» жумласидан қисқартирилиб «tronc»га ўзгартирилди. Компания янги номи кичик ҳарфларда ёзилишини маъқул кўрди ва эндиликда улар фойдаланувчиларга контент яратиш ва етказиш учун янги технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилишини маълум қилди.

Ҳатто сунъий интелектни жалб қилиш борасида ҳам ўйлаб кўрилди. Ферро «тронк», шунингдек, видеоконтентни ҳам фаол ривожлантиришини эълон қилди. Буларнинг барчаси компанияга фаолиятини монетизациялашга (имтиёзларни компенсация билан алмаштириш) ёрдам бериши лозим эди.

Ребрендинг соҳада турлича қабул қилинди. «Нью-Йорк Таймс» нашриётнинг янги номини «беъманилик» деб ҳисоблади [19], «Вашингтон Пост» эса Майкл Ферронинг ребрендинг бўйича изоҳ берилган пресс-релизини «журналистика тарихидаги энг ёмон пресс-релиз» деб атади [20].

«Ганнетт» битим нархини оширишига қарамай, «Чикаго Трибюн» газетасини сотиб олишга муваффақ бўлмади. Олти ойлик музокаралардан сўнг, «тронк» янги ғояларни яққа ўзи ривожлантириш мақсадини маълум қилди [21]. «Ганнетт» билан боғлиқ вазият зарар кўрганига қарамай, газета чиқарувчи компаниялар аввалгидай инвесторлар учун жозибadorлигини йўқотмади.

Шу тариқа «Ганнетт» таклифи рад этилгандан сўнг «Трибюн Пабблишинг» 12,9% улушини сотиш бўйича бошқа таклиф олди ва рози бўлди. Акция эгаси, нашрнинг Майкл Ферродан кейинги иккинчи муҳим акциядори Жанубий Африкалик миллиардер Патрик Синсян бўлди. У бу улушни 70,5 миллион долларга сотиб олди [22]. У компанияга бўлган қизиқишини ўзининг янги концепцияси таҳририят учун истиқболли бўлиши билан изоҳлади [23].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар иккала газета ҳам сўнгги 10 йил давомида оғир даврларга дучор бўлди. Жумладан, улар катта қарз олиш, банкротлик, харажатларни қисқартириш, ходимларни ишдан бўшатиш, мулк эгалари алмашиши каби қийинчиликларни бошдан кечирди. Кутилмаган вазиятлар ҳам бўлди – турли вақтларда иккала газетага ҳам битта одам эгалик қилди. Бироқ газеталарнинг ҳатто бирлашиши мумкинлиги ҳақидаги эҳтимолий назарияларга қарамай, Чикаго аввалгидай иккита мустақил даврий нашрга эга шаҳар бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Багдикян Б. Монополия средств информации. – Москва: Прогресс, 1987. – 322 с.
2. Варганова Е.Л. Медиаэкономика зарубежных стран: учебное пособие. Москва: Аспект Пресс, 2003. – 335 с.

3. Макеенко М.И. Ежедневная печать: американский опыт конца XX столетия. – Москва: МГУ, 2004. – 190 с.

4. Морган Б. «Бечоралар учун Баффет»: Сэм Зелл муаммоли активларни арзон нархда сотиб олиш орқали қандай қилиб \$4 млрд. ишлаб топди // Forbes. 27 сентябрь, 2013. – URL: <http://www.forbes.ru/milliardery/245481-baffett-dlya-bednykh-kak-sem-zell-zarabotal-4-mlrd-skupaya-problemnye-aktivy-po-d>.

5. Михайлов С.А. Журналистика Соединенных Штатов Америки. – СПб.: Наука, 2004. – 448 с.

6. Свитич Л.Г., Смирнова О.В., Ширяева А.А., Шкондин М.В. Коммуникативные характеристики контента городских газет (по результатам контент-анализа газет средних и малых городов) // Бюллетень МГУ. Серия журналистики, 2016. № 1. (10).

7. McQuail D., Siune K. Media policy: Media Policy Convergence, Concentration & Commerce. // Euromedia Research Group: SAGE Publications Ltd, 2012. - P. 13.

8. Stempel G. Effects on Performance of a Cross-Media Monopoly. // Journalism Monographs, № 2, 1973. – Б. 10-28.

9. Seelye K., Sorkin A. Tribune quietly opens door to sale of individual assets // The New York Times. 2. 11., 2006. – URL: <http://www.nytimes.com/2006/11/02/business/media/02tribune.html>.

10. Tareen S. Chicago Sun-Times is sold again, to investor group // USA Today. 22 December 2011. –

URL: <http://usatoday30.usatoday.com/money/media/story/2011-12-22/chicago-sun-timessale/52155718/1>.

11. Report: Sun-Times could soon look more like New York Tabloid // CBS Chicago. 27.02., 2012. – URL: <http://chicago.cbslocal.com/2012/02/27/report-sun-times-could-soon-look-more-like-new-york-tabloid/>

12. Channick R. Chicago Sun-Times lays off its photo staff // Chicago Tribune. 30 May 2013. – URL: http://articles.chicagotribune.com/2013-05-30/business/chi-chicago-sun-times-photo-20130530_1_chicago-sun-times-photo-

staff-video

13. Becker D. Sun-Times' photojournalism strategy: reporters with iPhones. // PetaPixel. 31. 05., 2013. – URL: <http://petapixel.com/2013/05/31/sun-times-photojournalism-strategy-reporters-with-iphones/>

14. Gillette F., Smith G. Tronc if you want to save journalism // Bloomberg. 2. 11., 2016. – URL: <https://www.bloomberg.com/features/2016-tronc/>

15. Timeline: Tribune's ownership saga // Chicago Tribune. 1 ноябрь, 2016 йил. – URL: <http://www.chicagotribune.com/ct-history-of-tribune-ownership-saga-20160204-htmlstory.html>

16. Frost P. Ferro deal raises the specter of one-newspaper Chicago // Crain's. 5. 02., 2016. – URL: <http://www.chicagobusiness.com/article/20160205/NEWS06/160209874/ferro-deal-raises-the-specter-of-a-one-newspaper-chicago>

17. Channick R. Tribune's Publishing's top shareholder is now Michael Ferro, owner of Chicago Sun-Times // Chicago Tribune. 4. 02., 2016. – URL: <http://www.chicagotribune.com/business/ct-tribune-publishing-michael-ferro-20160204-story.html>

18. Stelter B., Byers D. Gannett offers \$815 million to buy Los Angeles Times and Tribune // CNN Media. 25. 04., 2016. – URL: <http://money.cnn.com/2016/04/25/media/gannett-tribune/>

19. White M. Tribune Publishing's new name, "tronc", puzzles marketing experts // The New York Times. 19.07., 2016. – URL: https://www.nytimes.com/2016/06/20/business/media/tribune-publishings-new-name-tronc-puzzles-marketing-experts.html?_r=1

20. Wemple E. Tribune Publishing, now "tronc", issues worst press release in the history of journalism // The Washington Post. 2 June 2016. – URL: <https://www.washingtonpost.com/blogs/erik-wemple/wp/2016/06/02/tribune-co->

[now-tronc-issues-worst-press-release-in-the-history-of-journalism/?utm_term=.1536de267f27](#)

21. Gannett gives up attempt to buy publisher of Chicago Tribune // NBC Chicago. 1 ноябрь, 2006 йил. – URL:

<http://www.nbcchicago.com/news/local/Gannett-Gives-Up-Attempt-to-Buy-Publisher-of-Chicago-Tribune-399492041.html>

22. Medhora N., Baker L. Tribune gets \$70,5 million investment, rejects Gannet offer // Reuters. 23. 05., 2016. – URL: <http://www.reuters.com/article/us-tribune-pubshng-m-a-gannett-co-idUSKCN0YE1GL>

23. Fox M. Soon-Shiong: Why I'm investing \$70, 5 million in Tribune // CNBC. 24 May 2016. – URL: <http://www.cnbc.com/2016/05/24/soon-shiong-why-im-investing-in-tribune.html>

24. Rarick G. Field experiments in newspaper item readership. Division of Communication Research: University of Oregon, 1967. – P. 6.